

# 2021

## 25-26 MARCH

### DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR



HOCHSCHULE  
WEIHENSTEPHAN-TRIESDORF  
UNIVERSITY OF APPLIED SCIENCES



I-PART

VISIT FOR MORE INFORMATION:  
[www.conference.sbtue.uz](http://www.conference.sbtue.uz)



---

## **Editors**

---

**Prof. Olim MURTAZAEV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Prof. Ralf SCHLAUDERER.**

Weihenstephan-Triesdorf University of Applied Sciences, Germany

**Assoc. Prof. Dr. Farhod AHROROV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Prof. Stanislaw MINTA.**

Wrocław University of Environmental and Life Sciences, Poland

**Dr. Zafar ABDULLAEV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Henry MATTHEWS.**

Writtle University College, UK

**Assoc. Prof. Dr. Ibragim GANIEV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Heinz-Peter WOLFF.**

Weihenstephan-Triesdorf University of Applied Sciences, Germany

**Assoc. Prof. Komiljon KOMILOV.**

Andijan Institute of Agriculture and agrotechnologies, UZ

**Nieky van VEGGEL.**

Writtle University College, UK

**Assoc. Prof. Hasan TURDIBEKOV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Olim MUYDINOV.**

Samarkand branch of Tashkent State University of Economics, UZ

**Prof. Abdugani ELMURODOV.**

Samarkand Veterinary Medicine Institute, UZ

	<i>Togayev Salim Sobirovich</i>	
66.	<b>МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ</b>  <i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Шадиева Гулнора Мардиевна</i>	278-282
67.	<b>СЕРВЕЙИНГ ХИЗМАТЛАРИ АСОСИДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМИ</b>  <i>Мирджалилова Дилдора Шухратовна</i>	283-290
68.	<b>ACCOUNTING IN MULTIPLE BRANCH FARMS IMPROVING ACCOUNT FORMS</b>  <i>Dostonbek Rustamov, Sultonmurod Karimov, Mohinur Bazarova, Doston Mannonov</i>	291-293
69.	<b>МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРАЁТГАН САЙЁХЛАРГА ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТИНИ РЕСТОРАНЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>  <i>Каланова Моҳигул Баҳритдиновна</i>	294-297
70.	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНинг РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ</b>  <i>Нормуродов Сарвар Норбой ўғли, Мирзабиков Дишод Холматович, Шаймухамадиева Хуришида Ибадулла кизи, Одилова Насиба Омонулла кизи</i>	298-302
71.	<b>ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ҚУРИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁННИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b>  <i>Иноятова Дурдона, Раҳимова Дилноза</i>	303-306
72.	<b>СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ</b>  <i>Нуримбетов Равшан Ибрагимович, Нормуродов Сарвар Норбой ўғли, Машарипов Даҳаҳон Қувондиқ ўғли</i>	307-310
73.	<b>ИНВЕСТИЦИОН МУХИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИГ АҲАМИЯТИ</b>  <i>Рустамов Достонбек Жамиид ўғли</i>	311-315
74.	<b>Pandemiya davrida agroturizmni rivojlantirishda bog`dorchilikning tutgan o`rnii</b>  <i>I.Shukurov, I.Baymuradova</i>	316-320



## “DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtue.uz/uz>

# ХОЗИРГИ ШАРОИТДА ҚУРИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁННИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Иноярова Дурдона<sup>1</sup>  
Рахимова Дилноза<sup>2</sup>

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги шароитда қурилишда инвестицион жараённи бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари келтирилган. Мамлакатимизда сўнгти йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида килинаётган ва қилиниши керак бўлган ишлар ёртилган.

**Калит сўзлар:** урбанизация, инвестиция, онлайн режим, обод маҳалла, инфратузилма, концепция.

**Аннотация.** В статье представлены пути повышения эффективности управления инвестиционным процессом в строительстве в сложившейся ситуации. В последние годы акцентируется внимание на той работе, которая проводится и предстоит проделать в нашей стране по обеспечению населения, особенно сельского, качественной питьевой водой.

**Ключевые слова:** урбанизация, инвестиции, онлайн-режим, соседство, инфраструктура, концепция.

**Annotation.** The article presents the ways to improve the efficiency of management of the investment process in construction in the current situation. In recent years, attention has been focused on the work that is being carried out and is to be done in our country to provide the population, especially the rural population, with high-quality drinking water.

**Key words:** urbanization, investment, online mode, neighborhood, infrastructure, concept.

<sup>1</sup> доц. “Қурилишда менежмент” кафедраси (Тошкент архитектура-қурилиш институти, ТАҚИ)

<sup>2</sup> магистрант. “Қурилишда менежмент” кафедраси (Тошкент архитектура-қурилиш институти, ТАҚИ)



## “DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtue.uz/uz>

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги маълумотларига кўра<sup>3</sup>, республика аҳолисининг 17 фоизи, вилоятлар марказларида яшовчи аҳолининг 67 фоизи канализацияга уланган бўлиб, уларнинг 23 фоизи таъмирга муҳтождир. Ўзбекистонда аҳоли истеъмоли учун бир қунда 4 миллион куб метр ичимлик суви ишлаб чиқарилади. Маълум худудларда график асосида, масалан, куннинг маълум қисмларида сув берилади, айrim жойлар эса 8 соат, баъзи худудлар эса 24 соат ичимлик суви билан таъминланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 5 сентябр куни аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағищланган йигилишда мамлакатимизда 2030 йилгача сув таъминотини шаҳарларда 98, қишлоқларда 85 фоизга етказиш кўзда тутилган. Канализатсия тармоқлари эса кейинги ўн йилликда 31 фоизга етказиш белгиланган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сонли фармони айнан ана шу муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, урбанизация даражасини ҳар томонлама пухта ўйлаб, ақл билан тартибга солиш учун қабул қилинди. Мазкур фармонга асосан янги ташкил этилган Урбанизация агентлигининг асосий вазифаси ҳам айнан шу жараёнларни тартибга солишдан шундан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябр куни аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағищланган йигилиш ўтказди.

Президент матбуот хизмати хабарига кўра<sup>5</sup>, йигилишда тарифларни эркин бозор талаблари асосида белгилаш ва соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш кераклиги таъкидланган. Қолаверса, тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш иншоотлари ҳамда истеъмолчиларни 2022 йил охирига қадар 100 фоиз ҳисоблагичлар билан таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Шу боисдан, бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган миллий иқтисодиётнинг муҳим қисми бўлган уй-жой коммунал хўжалигига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилишни таъминлаш масалаларини ҳал этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгти йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Сув ва канализация тармоқларини, шу жумладан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Бироқ, бу борада кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ичимлик суви таъминоти ва канализатсия соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд.

Хусusan, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализатсия тизими обьектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимида киритиши, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернizatsiya қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чикишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли пунктларида канализация тизимларини куриш ва барпо этилаётган кўп квартирили уйларни уларга улаш масаласига лозим даражада эътибор берилмаяпти.

Замонавий бошқарув шакллари ва усуслари етарлича жорий этилмаганлиги, кадрлар салоҳиятининг пастлиги сув таъминоти ҳамда канализатсия обьектларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланишини таъминлаш имконини бермаяпти.

<sup>3</sup> <https://kun.uz/news/2020/06/19/ozbekiston-aholisining-83-foizi-kanalizatsiyasiz-yashayotgani-ma'lum-bo'ldi>.

<sup>4</sup> <https://kun.uz/news/2019/09/05/qishloqlarda-ichimlik-suvi-taminotini-2030-yilgacha-85-foizga-yetkazish-rejalashtirildi>.

<sup>5</sup> <https://www.press-service.uz>



## “DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtue.uz/uz>

Сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри, авваламбор, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш манбаларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализатсия тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ куйидагилар сув таъминоти ва канализация тизимларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди<sup>6</sup>:

- сув таъминоти ва канализация корхоналарини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида илғор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий қилиш;

- сув таъминоти ва канализатсия соҳасида ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган замонавий аҳборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, Республикадаги барча истеъмолчиларни ичимлик сувини ҳисобга оловчи замонавий асбоблар билан жихозлаш;

- турар-жой комплексларини куришда санитария талабларини, шу жумладан маҳаллий тозалаш иншоотларини қўллаш орқали таъминлаш мақсадида канализатсия обьектларини ичимлик суви таъминоти обьектлари билан биргаликда лойиҳалаштириш, куриш ҳамда реконструкция қилиш;

- ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўзи тўлиқ қоплашини таъминлайдиган, сув таъминоти ҳамда канализатсия обьектларини бошқариш ва улардан фойдаланишга хусусий секторни жалб қилиш имконини берадиган янги тариф сиёсатини ишлаб чиқиш орқали сув таъминоти ва канализатсия корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

- сув таъминоти ва канализатсия соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш.

**Хулоса қилиб айтганда**, тарифларни тартибга солиш, концепция шартномаси бўйича томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мумкин бўлган шаклларини кенгайтириш, курилиш (реконструкция), давлат инфратузилмаси обьектларини таъмирлаш ва сақлаш бўйича узок муддатли шартномалар тузиш. Хусусий инвестицияларни жалб қилиш муаммосининг инновацион тизим ечимларидан бири - уй-жой ва коммунал хизматлар бозорини ривожлантириш воситалари мажмуи - концепция, инвестиция дастури ва тариф (инвестицияланган капитал усулини қайтариш ёрдамида ҳисобланган тариф) ечимини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Моддий техника воситалари коммунал компанияларга ўз бизнесини ривожлантиришда максимал самарадорликка эришиш имконини берадиган кенг қамровли маҳсулот бўлиб, улар хусусий инвесторлар учун жозибали бўлиши мумкин.

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/4087011>



## **“DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”**

**International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.**

Web: <http://conference.sbtue.uz/uz>

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. O‘zbekiston Respublikasining 2019 yil 10 maydagi “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi O‘RQ-537-sonli Qonuni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 22 noyabrdagi “2017–2020 yillarda shaharlarda arzon ko‘p kvartirali uylarni qurish va rekonstruktsiya qilish dasturi to‘g‘risidagi”gi PQ-2660-sonli Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmoni.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 yanvardagi “2017-2020 yillarda shaharlarda arzon ko‘p kvartirali uylarni qurish va rekonstruksiya qilish dasturini samarali amalga oshirish borasidagi qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-2728-sonli Qarori.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 29 martdagi “Obod qishloq” dasturini 2018 yilda amalga oshirish bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-3630-sonli Qarori.